



## ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА МАНИПУЛЯТИВ ТАЪСИР ТАҲЛИЛИ

**Ражабов Муродил Жумабоевич**

*Фарғона давлат университетининг*

*Психология кафедраси катта ўқитувчи*

**Бутаев Бахромжон Шарофитдинович**

*Фарғона давлат университетининг*

*Психология йўналиши магистранти*

*Ушбу мақолада оилада манипулятив таъсир, хокимятга интилиш, бошқариш устаги бунда уларнинг турли усуллардан фойдаланишлари, трансакция концепцияси, "Катта", "Ота-она", "Бола" роллари ва уларнинг шахслараро муносабатлардаги хусусиятлари ҳақида сўз юритилган.*


*В данной статье рассматривается манипулятивное влияние в семье, стремление к власти или контролю, использование ими разных методов, понятие трансакции, роли «Большой», «Родитель», «Ребенок» и их особенности в межличностных отношениях.*

*This article discusses the manipulative influence in the family, the desire for power or control, their use of different methods, the concept of transaction, the roles of "Big", "Parent", "Child" and their features in interpersonal relationships.*

Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналади. Агар оилада соғлом фикр ва мустаҳкам ришталар бўлса, жамиятда тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришиш мумкин. Бинобарин, жамият – юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги – ҳар қандай миллат фаровонлигининг асосидир.

Жамиятдаги ўзгаришлар шахснинг миллий қиёфаси, характери, ўзлигини англашнинг янги қирраларини шакллантиришга, оиланинг миллий услубини тағлашга, ижобий хусусиятларини ривожлантиришга, иллатларга барҳам беришга ва ўзига хос этнопсихологик хусусиятларининг янги кўринишларини яратишга замин ҳозирлаши эҳтимол. Оилада унинг аъзолари интизоми ва маданиятига асос солинади. Жамият қабул қилган ҳамда инсон ҳаётини юқорироқ даражага кўтара оладиган ҳатти-ҳаракатлар меъёригина қулай оилавий шароитларда инсоннинг табиатига сингиб кетади.

Ҳар бир оила бошқа оилаларга ўхшамайдиган ўз индивидуал хусусиятига эгадир. Оила аъзоларининг маълумоти, маънавий талаблари, иқтисодий шарт-шароитлари турлича бўлиши сабабли оиладаги келиб чиқадиган муаммолар ҳам турличадир. Бугунги кунда социологлар, психологлар орасида қизғин мунозараларга сабаб бўлаётган оиладаги салбий муносабатлар, оилада баъзи аъзоларнинг айрилиб яшашлари, жанжал ва низолар, келишмовчилик






холатларининг кўплаб учраши жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Эркак ва аёл ўртасида оилавий муносабатлар, фарзанд ва ота-оналар ўртасидаги тушунмовчиликлар баъзи оила аъзоларининг айрилиб яшашларига сабаб бўлмоқди. Ҳозирги замон оиласида эрнинг аёлидан, аёлнинг эридан кутадиғанлари шу қадар кўпки, уларнинг адо этишнинг ўзи мушкуллиги ҳаммамизга аён. Оиланинг тақдирини белгиловчи, мустақкамлигини таъминловчи, барқарорлигини сақловчи моддий ва маиший омиллар билан бир қаторда ўзаро муносабатларнинг аҳамияти ҳам ортиб бормоқда. Ҳаётимизда, ҳар ерда манипуляторлар бўлгани каби оилада ҳам манипуляторлар мавжуд бўлиб, оиланинг баъзи аъзолари билиб, баъзилари билмаган ҳолда манипулятив усуллар фойдаланмоқда. Бунга оиладаги эр-хотин ўртасидаги ўзаро муносабатларни мисол қилиб олишимиз мумкин. Шу билан бирга баъзи оилаларда хокимиятга интилиш, бошқариш истаги пайдо бўладики бунда улар турли усулларни ўйлаб топадилар ёки маълум усулларни қўллайдилар. Масалан; эр – хукмрон ва йўналтирувчи, хотин – юмшоқ ва эзилган. Ўзаро муносабат ва мулоқотдаги ҳамкорга муносабат трансакцион ҳаракатлар, психологик манипуляциянинг асосий кўринишларидандир.

Э.Берн томонидан 1955 йил АҚШда яратилган трансакция (lot. transaction-келишув [5.502]) концепцияси, шахслараро муносабатларда одамларни характер хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда уларни ота-она (шартли равишда О), катта одам (шартли равишда К), ёш бола (шартли равишда Б)ларга бўлиб чиққан [1.69]. Бу оилавий муносабатларда ўз кўринишига эгадир.

Биз оилада манипуляцияни ўрганиш учун трансакцион ҳаракатлар таҳлилини қилиш мақсадида ФДУ ҳузуридаги педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш минтақавий маркази тингловчиларида Э.Берннинг “Трансакт таҳлил” методини ўтказдик. Респондентлардан олинган натижаларда шахслараро муносабатларда бола, катта ва ота-она каби трансакцион ролларни қай даражада мавжуд эканлиги намоён бўлди.

Шундай қилиб оилавий муносабатларнинг манипулятив томонини ўрганишда респондентлар энг юқори даражаси “Катта” трансакцион ролига, ўрта даражаси “Ота-она” ролига, қуйи даражаси “Бола” ролига тўғри келди.

Натижаларга кўра респондентлар оилада “КАТТА” трансакцион ролини ўйнар эканлар. Агар синалувчилардан олинган натижаларни жинслар жиҳатидан фарқланадиган бўлса оилавий муносабатларда “КАТТА” ролини аёлларга нисбатан эркак респондентлар кўп қўллар эканлар. Лекин, эркак ва аёл респондентларнинг натижалари бир-бирига яқин бўлиб, кўп ҳолларда улар узатилаётган аҳборотни қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнида мантиқий таҳлил қилиш, рационал асослаш, анализ-синтез қилиш орқали







қарор қабул қилишлари мумкинлиги кўриниб турибди. Бу респондентлар воқеа ёки реал ҳолатни текшириш вақтида шошилмасликлари аввало ахборотни йиғиши ҳамда йиғилган ахборотни жамлаши ва хулоса қабул қилган ҳолда ўз қарашларини тарқатишлари, агар мавҳумлик туғилса бу мавҳумликни боҳолашда эмоцияга берилмасликлари бундай ҳолатда жуда чуқур ўйлаб кўришлари мумкин. Бундай респондентлар, меҳрибон ота-она ҳолатидан фарқ қилиб, меъёрий ва бир томонлама вазиятлардаги адаптацияга эмас, балки ўйлаб кўриш талаб қилинадиган ва танлаш эркинлигини берадиган, шу билан бирга қабул қилинган қарорни кейинги ҳолатини керакли даражада англаган ҳолда ўз зиммасига олишга асосланади.

Оилавий муносабатларда “КАТТА” одам трансакцион ролига «Бир қадам ортда» манипулятив усулини (Шарқда «Аёл киши эркакдан бир қадам ортда юради» деб аталган мақолга асосланиб шартли равишда шундай атадик) мисол қилиб олишимиз мумкин. Бу усулни одатда, барча эркаклар кўллайдилар. Чунки удумларимиз, анаъналаримиз ва минталитетимиздан келиб чиққан ҳолда, оиланинг кўрғони, ҳимоячиси ва бошлиғи сифатида эркакларнинг ҳар бир қарори ёки сўзи қонун деб қабул қилинади. Баъзи эркаклар бундан ўзининг манфаатлари йўлида жуда яхши фойдаланадилар. Бу усулда хотин (албатта, тарбиядан келиб чиққан ҳолда) хоҳ чарчаган, хоҳ касал бўлсин, эрининг буйруқларини сўзсиз амалга оширади ва буни тўғри деб қабул қилади. Хотин бир пайтнинг ўзида болага қараши, ҳам овқат қилиши, ҳам кир ювиши, орада дастурхон атрофида кутиб ўтирган оила аъзоларига дастурхон безаши, турли юмушларини бажариши шарт. Агар бир пайтнинг ўзида барча ишни амалга оширишга улгурмаса, оила аъзоларининг ғазабига учраши табиий. Лекин эркакни оиланинг бошлиғи сифатида қабул қилиб, ундан ёрдам сўрашга ботина олмайди. Чунки «Оиладаги майда-чуйда ишларга эркакни аралаштирма?» деган қараш томонларнинг онгига сингиб кетган.

Оилавий муносабатлардаги трансакцион ҳолатларнинг кегинги натижаси “Ота - она” роли бўлиб, жинслар жиҳатидан бўлинса унда эркак жинсига мансуб респондентлар аёл жинсига мансуб респондентлардан кўп эканлиги аниқланди. Бундан ташқари улар “ОТА – ОНА” ролини ўйнаш давомида, “Мен - меҳрибон ота-она” яъни, мулоқот жараёнида шерикни эркалайди, унга турли имкониятлар беради, меҳрибонлик кўрсатади, барча берилган саволларга тўлиқ жавоб беришга, турли вазиятларда ёрдам қўлини чўзишга интилади. Баъзи ноўрин қилинадиган ҳаракатларни олдини олишга, шерикларини тўғри йўлга солишга ҳаракат қилади. Ушбу респондентлар худди жуда яқин инсонлар каби ҳар қандай топшириқни (топшириқлар унга тегишли бўлмасада) бирга ўз зиммаларига оладилар. Ва улар кўпроқ «Мен буни бажараман», «Кўрқма», «Мен барча нарсада сенга ёрдам бераман» каби сўзларни кўп такрорлайдилар. Бундан ташқари меҳрибон ота-она ҳаракат






имкониятларини кетма-кетлигини кўриб чиқиш, таҳлил қилиш, қисқа вақт ичида қарор қабул қилиш, вақтида юқори даражада муваффақиятга эришиш имкониятини беради.

Оилавий муносабатлардаги “Ота - она” трансакцион ҳолатига мисол қилиб “Нима учун улар сиз эмас?”, “Агар сиз ростдан мени яхши кўрганингизда”, “Сиз ўз автомашинангизни мендан ортиқ кўрасиз” ва шу кабиларни олишимиз мумкин. Мисол учун хотин: Кеча сизнинг собиқ дўстингизни учратдим, эсингизда бўлса ўзини зўрға эплаб юрарди, хозир унинг шофёри ва машинасига қараганда катта одам бўлиб кетибди. Сўнг ўзимни ўйладим, ахир сиздан умидим катта эди. Хотин бу сўзлар орқали эрини юқорироқ мавқе, катта маош олиш ва ҳокозолар учун фаол ҳаракатларга ундаш орқали манипуляция қилмоқда. Ушбу манипулятив усулда таъсир нишони сифатида – эрнинг ўз-ўзини ҳаракатга ундаш эҳтиёжи ва топталган ғурурга таъсир этиш орқали ҳаракатга ундаш мавжуддир. Бу, сўзсиз, яширин бошқарув, аммо у манипуляциями? Бу қатор шарт-шароитларга боғлиқ. Агар юқорироқ-кўпроқ нарсага эришишга эрнинг ҳам эҳтиёжи бўлса, яъни унинг ҳам истаги бўлса, унда бундай таъсир эрнинг мақсадга эришишдаги етишмаётган собитқадамликни компенсация қилади. Агар мавжуд воқелик эрни қониқтираётган бўлса-ю, хотини ундан кўпроқ нарсани хоҳлаётган бўлса-бу энди манипуляциядир. Бундай манипуляцияни тўхтатиш учун эр, ишхонадаги реал ҳолати, маоши ва ўз режалари ҳақида хотинга очиқ айтиш кифоя.

Эътибор қаратган бўлсангиз тадқиқотимизда жинслар жиҳатидан фарқлар таҳлилига кўра эркак респондентларда оилада манипуляция қилишга, доминант бўлишга интилиш юқори эканлигини кузатишимиз мумкин. Бундай ўзини тутиш оилада ролларнинг тақсимланиши билан боғлиқ бўлиб, ўзбек оилаларига хослик оилада эркак мавқеининг устунлиги, анъанавий оилаларда фарзандлар учун ота-она, айниқса, ота обрўсининг юқорилиги, оиладаги муносабатларнинг вертикал характерга эга эканлиги, яъни аёлнинг эрга, фарзандларнинг ота-онага, уканинг акага, сингилнинг опага бўйсунуш билан боғлиқдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ижтимоий фаолиятни кузатиш жараёнида (психотрапевтик гуруҳлар шаритида) одамлар вақти-вақти билан ўз хулқларида кўзга ташланадиган ўзгаришларни намоён этишади. Умумий ҳолатларда, нутқларида, интонация ва хиссиётларида хулқнинг бу кўринишлари кўпинча хиссий қўзғалишлар билан ҳам кузатилади. Пайдо бўлаётган хулқ билан паттерн маълум бир психик ҳолатда мувофиқлашади. Шу пайтнинг ўзида яна бир паттерн биринчисидан фарқли ўлароқ бошқа руҳий ҳолатга тўғри келиши табиийдир. Шундай экан Амброуз Бриснинг истехзо билан оилавий муносабатларни “хўжайин, бека ва икки қулдан ташкил топган уюшма” деб атагани бежиз эмас [6.66].







Шундай экан биз қуйида берадиган тавсиялар оилавий муносабатларда манипулятив усулларни тушуниб етиш, қайтариш ёки бартараф этиш имкониятини беради;

- трансакцион таҳлил нуқтаи-назаридан қаралганда оилавий муносабатларни оптималлаштириш (лот.optativus – яхшилаш [5.348]) учун барча “Мен” ҳолатлари шахсда гармоник бўлиши керакдир;

- баъзан ҳамсуҳбатнинг ҳовурини пасайтиришнинг яхши йўли – овоз оҳангини пасайтириш. Бу тинглашга мажбур қилади[3.41].

- оилавий муносабатлардаги келишмовчиликларни кузатинг, унинг механизми ва ундан чиқиш йўллари тушунишга интилинг ҳамда қийинчилик ва муваффақиятликлардан чўчиманг;

- оилавий муносабатларда манипуляцияни мавжудлигини сезиб қолсангиз биринчи навбатда ҳимояга эътибор беринг. Баъзида шунинг ўзи муваффақиятли муносабатлар учун кифоя бўлади;

- оилада бирор ишни бажариш давомида турмуш ўртоғингиздан ёрдам қилишни илтимос қилинг. Уй ишларини кўпинча малака ёқлиги учун ёмон бажаришади. Кўпроқ бирга бажарилган ишлар бир-бирига бўлган муносабатни ижобий томонга оширади;

- турмуш ўртоғингизни мувоффақияти учун мақтанг! Шунинг учун уни ёқтиришингизни тез-тез айтиб туринг;


- турмуш ўртоғингиз оилада бирор юмушни чала бажарса ҳам мақтанг, эркалатинг чунки кейинги бажариладиган юмушларни тўлиғича бажарилишига замин бўлади.

- мақтов ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳаракатга ундайди, яъни мақтов яширин бошқарув сифатида таъсир кўрсатади;

- агар турмуш ўртоғингиз ишни охиригача етказишни истамаса (“чарчадим”, “вақтим йўқ” каби баҳоналарни рўкач қила бошласа) - мажбур қилманг. Ортга суриш иложи бўлса-кейинга қолдириш. Эса тутинг нафақат эркаклар, балки баъзи аёллар ҳам уй юмишларини яхши идрок қилишмайди.

- сизга бирор таклиф билан мурожаат қилган турмуш ўртоғингиз албатта ижобий жавоб кутади. Бутун тана, психика ана шунга йўналтирилган бўлади. Рад жавобини олганда қандай ҳолатга тушади? Унинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. Сизга бирор нарсада рад жавоби беришса ўзингизни қандай ҳис этасиз? Ўйлаб кўринг;

- оилада қандайдир таклиф билдиришга тўғри келса, фақат бир марта таклиф қилиш керак. «Кўндириш – зўрлаш демак» – деган қоида унутмаймиз.





### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Берн Э. «Игры, в которые играют люди». Перевод А.А.Грузберга. 1964; Екатеринбург: ЛИТУР, 1999. К.: PSYLIB, 2004.
2. Бодалев А.А. Психология общения. М.: Изд-во «Институт практической психологии», Воронеж: НПО «Модек», 1996. 120 ст.
3. Власова Н.М. Защита от манипуляторов всех мастей. г. Москва, 1998 г. 32 с.
4. Литвак М.Е. Психологическое айкидо. Ростов н/Д., 1992.-64 с.
5. Словарь иностранных слов. -13-е изд., стереотип. М., изд, «Русский язык, 1979, с изменением.
6. Шостром Э. "Анти - Карнеги", г. Минск, 1999 г. 76 с.

